



Саудия Арабистонида исломий университетлар ўртасида мусобака ўтказилди

Шу йилнинг 8 апрелида Тахфизул Куръон халқаро уюшмаси (Ал-хайъат ал-оламиёя литахфизил Куръон ал-Карим) Жидда шаҳридаги қароргоҳида Саудия Арабистони олийгоҳлари (Мадина шаҳридаги «Ислом» университети, Риёздаги «Имом Муҳаммад ибн Сауд» университети, Макка шаҳридаги «Уммул-Қуро» университети, «Боҳа» университети, «Қасим» университети, «Жозон» университети ва Макка шаҳридаги Ислом Робитасига қарашли «Ал-аимма вад-дуъат» институтларида) талабалари ўртасида биринчи босқич Куръон мусобақасини ўтказди. Мусобақада 39 та талаба иштирок этди, улардан 32 таси ижозали қорилар. Мусобақа фаолиятини бевосита Уюшманинг «Электрон Куръон тиловати» бўлими раиси Шайх Абдулазиз бошчилигидаги бир қатор ҳакамлар хайъати бошқарди. Улар орасида Муҳаммад Аттот ва Валид Ҳазрабийлар ҳам бор.

Уюшма Бош қотиби Доктор Абдуллоҳ ибн Алий Басфар аввалги ўн та голибни мукофотлар билан тақдирлади. Аввалги уч ўринни Мадинадаги «Ислом» университети талабалари эгалладилар. Мусобақа якунида голиблар ҳамда иштирокчиларга совға ва фахрий ёрликлар топширилди.

Манба: www.hqmi.org